

“МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ – МЕНИНГ ФАХРИМ”





Маҳалла минг йиллар давомида шаклланган, халқимизнинг ўзига хос қиёфасини кўрсатиб турадиган ноёб ижтимоий тузилма. Бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиб яшаш, яхши ва ёмон кунларда бирга елкадош бўлиш сингари инсонга хос фазилатлар айнан маҳаллада таркиб топади.
ШМирзиёев



Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан бири – маҳалланинг ўрни беқиёсдир. Маҳалла – бу шарқона “демократия дарсхонаси”. Ўзбекистонда фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллаларнинг сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади.

“Маҳалла” сўзи арабча “маҳаллун” сўзидан олинган бўлиб “жой”, “ҳудуд” маъноларини билдиради. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Маҳалла турли минтақаларда жой, гузар, жамоа, элат номларда аталиб келинган. Маҳаллани бошқариш жамоатчилиги асосида олиб борилади.

Махалла кичик маъмурий хууд бўлиши билан бирга, турмуш тарзи, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси бирлигидир. Тарихнинг турли босқичларида даврлар, тузумлар ўзгаришига қараб махалланинг вазифалари ҳам ўзгариб турган. Фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири бўлган маҳалла институти ҳақида гап кетганда айтиш мумкинки, қадим-қадимдан халқимизнинг миллий турмуш ва тафаккур тарзига айланиб кетган жамоа бўлиб, бир маҳалла бўлиб яшаш туйғуси ижтимоий ҳаётнинг ҳам узвий қисми сифатида катта бир маънавий қадрият деб қаралган.



Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маҳаллаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон республикаси конституциясининг 105 моддасига ва “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунга биноан, маҳаллаларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари сифатидаги ҳуқуқий асослари белгилаб берилди. Маҳаллалар жамиятнинг жойлардаги муҳим таянчи, юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига, молиявий бюджетига, банкдаги ҳисоб-китоб рақамига-жамғармасига эгадир. Бу қонунга асосан, ҳар бир маҳалла ўз ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини маҳалладаги эҳтиёжмандларга бепул тарқатиши, ўз ҳудудидаги аҳолини иш билан таъминлаши, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиши мумкин.



Ҳозирги пайтда
махаллаларнинг бозор
иқтисодиёти қонунлари
асосида, ўз фаолиятларини
ташқил этишлари учун барча
имкониятлар яратилди. Улар
тўй, маърака маросимларини
ўтказиш, хашарлар уюштириш,
оилавий низоларни бартараф
этиш, беморлар ҳолидан
хабар олиш каби ишлар билан
шуғулланадилар. Кўпчилик
махаллаларнинг ўз ижтимоий
инфратузилмаси мавжуд. 1993
йил 17 августда Ўзбекистон
“Маҳалла” хайрия жамғармаси
ташқил этилди



Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалла институтига давлат ва жамият бошқарувида уларнинг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган кўплаб амалий ишлар қилинди. Жамиятнинг асосий ахлоқий пойдеворларидан бири бўлган маҳалланинг мавқеини ошириш, ваколатларини кенгайтириш билан боғлиқ бир қатор қонунлар қабул қилинди. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинди.



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат
Мирзиёев томонидан 2017
йил 3 феврал куни қабул
қилинган “Маҳалла
институтини янада
такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги
фармони қадриятлар
бешиги саналмиш миллий
демократик институт бўлмиш
маҳаллаларнинг ролини
янада кучайтириш, уларнинг
халқимиз ҳаётидаги ўрни ва
нуфузини янада ошириш
борасида муҳим аҳамиятга
эгадир.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “қайси маҳаллада иш тўғри ташкил этилиб, фуқаролар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган бўлса, ўша ерда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳити ҳукм сурмоқда, нохуш ҳолатларга йўл қўйилмаяпти”. Шу боис мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ва тизимли ислоҳотларнинг ҳозирги шиддатли босқичида маҳаллаларни янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш давр тақозасидир.